

МАШРАБ Бобораҳим Мулла Вали ыҗли (1640. Наманган – 1711. Балх) – оташқалб шоир ва тасаввуфнинг машхур намояндаси. Машраб косиб-бўзчи оиласида таваллуд топди. Отасининг вафотидан кейин оилани тебратиш она гарданига тушади. Машраб ёшлик чоғларидан бошлаб илмлар сир-асроридан бохабар бўлишга интилади, Наманганда шуҳрат топган Мулло Бозор Охунд-Хўжа Убайдулло ҳузурига бориб, ундан форс тилини ўрганади, илоҳиёт, диний-тасаввуфий таълимотлар тарихи, моҳияти ва мазмуни билан қизиқади. Шу билан бирга Шарқнинг машхур шоирлари Саъдий, Навоий, Бедил кабиларнинг шеърлятига ихлос шъяди ва улардан илҳомланиб шеърлар машқ қилади. Бир қанча йил Қошғарда Офок Хожага мурид бўлади. У пирнинг гўзал канизакларидан бирига севги-муҳаббат изҳор қилганлиги туфайли Офок Хожа томонидан жазоланади ва бу даргоҳдан қувилади. Машрабнинг сарсон-саргардонлик йиллари бошланади. Унинг ҳаёти Балхда ўзининг сўнгги нуқтасига етади: у 1711 йили маҳмудбий Қатоғон ҳукми ва уламоларнинг фатвоси билан дорга осилади. Машраб тасаввуфий карашларига кўра, бу олам яратганнинг зуҳури. Ҳар бир нарса Тангри вужудининг шаҳодатидир. Барча эзгулик, мурувват ва саҳоват Аллоҳдандир. Унга чин дилдан эътиқод шилган одамлар инсон зотиға ҳурмат бажо келтирмоғи, уни табаррук мавжудот деб билмоғи лозим. Аксинча, улар кечаю-кундуз қанчалик Қуръонни тиловат қилмасинлар, ўз муддаоларига ета олмайдилар. Инсоннинг дилиға озор етказган кимса ҳеч қачон ҳақнинг ишқиде олов бўлиб ёна олмайди. Ҳақ таоло дили танг, бағритош бандаларнинг саъй-ҳаракатларига ризолик билдирмайди. Мутафаккир тасаввуфида ишқ водийси солищ аҳлининг маскани саналади. Лекин маърифат водийси бепаёндир. Унда хилма-хил динлар, диний мазҳаб вакиллари ёнма-ён яшаб, ўзларининг кундалик зарур ишлари ва эътиқоди билан бўладилар. Улар учун икки жаҳон рамзий маъно касб этади. Имон эса ишқидир. Машраб ҳаётға теранрош кириб борар экан, унда илдиз отган ахлоқий тубанлик, нохушликларнинг шоҳиди бўлади. У бу тушкунликдан кутилиш йўллари ва нажот тидбирларни излайди Машраб бу нажотни заминдан эмас, илоҳий ишқдан ахтариш лозим, деган ягона ҳулосаға келади. лекин, унинг фикрича, афсуски, жамият аҳлининг бир қисми ўзи ўзи б-н овора: бу дорул-фано дунё (ўткинчи дунё) ҳузур-ҳаловатлари ташвишида “ғарқ” бўлган, молу-мулкка ортиқча ихлос қўйган. Унинг бор куч-ғайрати, меҳр-ишқи бойлик орттириш, ейиш ва ичишдан лаззатланишдан иборат бўлиб қолган, маънавий-руҳий эҳтиёжлар ҳаётдан қувғин қилинган. Ҳасрат-надоматда кун кечираётган етим-есирлар, шашшошларнинг ҳолидан хабар олиш, оғирини енгил щилиш ҳеч кимнинг ҳаёлиға ҳам келмайди. Мурувват ва саҳоват анқонинг уруғига айланган. Дунёға хорис киши олишға доимо тайр, лекин беришни малол кўрган ҳар қандай инсон имондан бенасибдир. Инсоннинг дурдонаға айланиши авваламбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у “эски работ” деб аталмиш бу дунё машмашаларининг асири бўлиб қолмасдан, дил савдосини доимо бир нуқтаға, яъни яратган ҳақ висолиға етишиш, унинг дийдорини кўришға муяссар бўлишға қаратмоғи лозим. Инсон ўзининг боридан бегона, унинг жамолиға парвона бўлиб,

кийинчиликлар уммонига чўмса, азоб-укубатларни пеш қилмаса, захар-заққум ютса, кишилар ўртасидаги низолардан, кундалик ҳаёт икир-чикирларидан юқорироқ кўтарила олсагина садафга дурдона бўлиб жойлашиши мумкин. Ҳаққа етишишда руҳ ва тан ўртасидаги мавжуд зиддиятни бартараф этиш муҳим масаладир. Бу биринчи галда инсон табиатини нафс балосидан, нохушликлардан халос қилиш, маънавиятдан баҳраманд бўлиш, ишқ гулзорида девоналик даражасига етишиш орқали эришилади. Бунда инсон ориф даражасига кўтарилса, у ҳақни кўз билан кўрмай туриб, қалб кўзгусида ғайритабиий бир ҳолатда кўра бошлайди, эиштмай туриб, эшита болайди. Бу аслида мистик жазава, зикр воситасида рўй беради, деб ишонадилар мутсаввифлар. Кўнглини кенг тутиб маънавиятимизга назар ташласак, Бобораҳим Мулла Вали ўғли Машраб ҳам буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий каби мутафаккирлар сафидан “ломакон” дан салоҳиятли ўрин олган тасаввуфий шеърят чўлпони эканлигига чексиз ишонч ҳосил қиламиз. Асосий асарлари: “Мабдайи нур”, “Раҳим Бобойи Намангоний Ашор”, “Девони Машраб”.

Фалсафа луғатидан

МАШРАБ (тахаллуси; асл исм-шарифи Бобораҳим Мулла Вали ўғли) (1640, Наманган - 1711, Балх) -шоир ва мутафаккир. М. номи 18-19-а.ларда тузилган тазкира ва тасаввуфий йўналишдаги асарларда (мас, Баде Самарқандийнинг «Музокир ул-асҳоб» ва б.) зикр этилади. Аммо уларда шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида келтирилган маълумотлар ниҳоятда кам. Машрабнинг қолдирган адабий мероси хусусида ҳам аниқ маълумот берувчи манба йўқ. Унинг ўз асарларини тўплаб, девон ёки бирор мажмуа тузганлиги маълум эмас. Фақат «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Ҳазрати шоҳ Машраб» номлари остида халқ орасида кўлёзма ва тошбосма шаклида тарқалган қиссалардагина (уларнинг ким томонидан ва қачон тузилганлиги номаълум) шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти маълум тартиб ва изчилликда баён этилади, шу жараёнда асарларидан намуналар ҳам келтирилади. Қиссалар кейинчалик ўзгартириш ва тузатишларга дуч келган, турли тўқималар, янги-янги ривоят, нақллар, саргузашт ва латифасимон лавҳалар б-н тўлдирила борилган. Натижада қиссаларда тарихий Машраб ва унинг ижтимоий ва ижодий фаолияти халқ тасаввуридаги тўқима Машраб ҳамда у ҳақидаги саргузашт — ривоятлар б-н қоришиб кетган. Шундай бўлса-да, Машраб ҳақидаги қиссалар шоир ҳаёт йўлини нисбатан тўла ва босқичма-босқич баён этувчи, шунингдек, яратган асарларининг кўпгина қисмини ўзида жамловчи адабий-тарихий манба сифатида илмий аҳамият касб этади. Машраб отадан ёш етим қолади, оиланинг моддий қийинчиликлари янада ортади. Онаси ип йигириб тирикчилик ўтказади. Машраб дин асослари ва фалсафадан кши хабардор бўлган Суфи Эшон Мулла Бозор Охунд (хўжа Убайдулло) кўлида диний

таълим олади, суфий тариқатлар бўйича билимини оширади, форсий тилни ўрганади. Тахм. 1665 й.ларда Мулла Бозор Охунд тавсиясига кўра, ўша замонда катта обрўга эга бўлган йирик дин арбоби қашқарлик Хидоятullo Офоқ Хожа эшон ҳузурига боради. Шоир адабий меросидаги диний мазмун ва тасаввуфий йўналиш руҳидаги шеърларнинг кўпчилик қисми Офоқ Хожа даргоҳида ва унинг тарғибот-сабоқлари таъсирида яратилган. Офоқ Хожа шахсий хислат-фазилатларини мадҳ этувчи, уни «пиру раҳбар» деб тан олувчи байт-мисралар мужассам бўлган ғазал ва мухаммаслар ҳам («Кошки», «Ўзум» радифли ғазаллар, «Қолмади» радифли мухаммас) шу муридлик йиллари рҳсулидир. Машраб тахм. 1672—1673 йилларда Офоқ Хожа даргоҳини тарк этади. Қиссаларда қайд этилишича, бунга Машрабнинг пири даргоҳидаги канизакларнинг бирига кўнгил қўйгани, севиб-севилгани сабаб бўлган. Аммо Машрабнинг оғир жисмоний жазолаб қувшиши заминида пир билан мурид ўртасида жиддий ғоявий зиддиятлар бўлган дейилса, ҳақиқатга мувофиқ Машраб пири даргоҳидан кетгач, деярли 40 йиллик умрини доимий сафарда, турли ўлкаларда дарбадарликда ўтказади. Кўнимсиз ҳаётга юзланган шоир, асосан, ижодий иш билан шуғулланади. Оддий халқнинг қашшоқ ҳаёти, зулму ситам остидаги оҳу ноласи шоир қалбини ларзага солади шоир қалбини ларзага солади («Дили тиғи ситамдин пора бўлгон халқни кўрдум»...). Машраб асарларининг аксарияти чуқур ижтимоий йўналишга эга бўлиб, ўша давр ҳаёти, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар б-н чамбарчас боғлиқ. Хусусан, у баъзи руҳонийларнинг кирдикорлари ва хийлагарликларини фош этади, текинхўр мулкдорлар ва жоҳил амалдорларнинг зўравонлик фаолиятларини танқид қилади. Машраб нинг бу тур асарлари қўлдан қўлга, оғиздан оғизга ўтиб, тез тарқалган. Худди шунинг учун ҳам Машрабнинг бирор қишлоқ ёки шаҳарга изсиз қолмаган, одил камбағал халқ уни қувонч-хурсандчилик ва қизиқиш билан қарши олган. Шоир кўнимсиз ҳаётининг сўнгги манзили Балхда ҳам ҳоким табақа ва мутаассиб Машраб (Ўзбекистон халқ рассоми Д. Имомов асари) шайх-муллалар Машрабни жисман йўқотиш пайига тушадилар. Шу тескаричи гуруҳларнинг расмий фатвоси ва Маҳмудбий Қатағоннинг ҳукми билан дорга осилади. Машраб қолдирган бадий мерос ҳажм ва жанрлар жиҳатидан ҳанузгача аниқланган эмас. Аммо бизга ҳозирча маълум асарларининг ўзи ҳам Машрабнинг фавқуллодда ноёб истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради. Машраб ижоди шеърининг янада кенгрок ижтимоий мазмун ва жанговар руҳ касб этишида, адабиётдаги халқчиллик ва дунёвийликнинг чуқурлашувида, лирик турларнинг такомиллашуви ҳамда бадий санъатнинг камолотга эришувида янги бир юқори босқични ташкил этади. Машрабнинг моҳиятан инсон қадри-шарафи ва маънавий камолотини улуғлашга, эзгулик ва гўзалликни мадҳ этишга бағишланган шеърининг меросида ғазал, мустазод, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, маснавий, рубоий, таърих каби жанр турларида битилган етук намуналарни учратамиз. Аммо Машраб аввало моҳир ғазалнавис ҳамда кўплаб шўх ва жарангдор мустазодлар, ўйноқи ва жозибадор мурабба ҳамда халқ ғаму ҳасратига ҳамдардлик ҳисси билан йўғрилган мухаммаслар ижодкори сифатида кенг доврў чиқарган.

Машрабнинг жуда кўп ғазаллари халқ кўшиқларидек содда ва жарангдор, жўшқин ва таъсирчандир. Машраб ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мустазод ёзган ижодкорлардан бири. Шоир мустазодлари ҳам, худди ғазаллари каби, шўх ва жарангдор, нафис ва завқбахшдир. Мумтоз шеърятда мурабба турининг узил-кесил мустаҳкамланиши ва такомилида Машраб ижодининг ўрни катта. Машрабнинг романтик кўтаринкилик руҳи уфуриб турган асарларини адабиёт тарихида мурабба турида яратилган энг етук намуналар жумласига киритиш мумкин. Машрабнинг ғазал, мустазод ва мураббаларида ишқ-муҳаббат, вафо-садоқат мавзуи етакчи ўринда турса, мухаммас ва мусаддасларида чуқур ижтимоийлик устунлик қилади, тақдирнинг кемтиклиги ва ҳаётнинг носозликларидан, давр (чарх, фалак) ва адолатсиз муҳитнинг шахс бошига тинимсиз келтираётган жабру жафосидан шикоят, таъқиб-таъйиқидан норозилик дардли мисраларда, аммо қатъий ва кескин ифодаланади. Машраб қолдирилган ижодий меросда диний ва тасаввуфий ғоялар ҳам, ўша замонда кенг тарқалган қаландарлик тариқатининг айрим оҳанг-таъкидлари ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Шоир шеърларида Аллоҳнинг мавжудлиги, бору бирлиги, барча жонли ва жонсиз мавжудотни яратганлиги узил-кесил ва қатъий тан олинади, Худонинг куч-қудрати, тақдирнинг ўзгармаслиги ва Маҳшар куни ҳақидаги таълимот тўла-тўқис қабул қилинади. Машраб форс тилида ҳам бир неча шеърӣ турларда етук намуналарни яратган. Машраб ижоди кейинги асрлар адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Нодира, Ҳувайдо, Қорий, Фурқат, Ҳамза каби шоирлар унинг ғазалларига тахмис ва назиралар боғлашган. Машраб қолдирган адабий мерос тўла аниқланиб, ўрганилган эмас. Баъзи тадқиқотчилар жуда кўп шеърӣ ҳикоят ва ғазалларни ўзида жамловчи «Мабдаи нур» номли йирик асарни шоирга нисбат берадилар. Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида бир неча бадиий асарлар (роман, қисса, дostonлар ва сахна асарлари) яратилган, шоирнинг асарларидан намуналар қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларида Машраб номида истироҳат боғлари ва кинотеатрлар, мактаб ва кутубхоналар, кўчалар ва жамоа хўжаликлари бор.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 5 жилддан

Бобораҳим Машраб

Бобораҳим Машраб 1653 йилда таваллуд топган. У илм эгаллаш мақсадида 1665 йили Наманганда, мулло Бозор Охундга шогирд тушиб, ундан илоҳий илм сирларини ўрганади. Машраб 1671 йили Самарқандга келади. Бу ерда бироз тургач, яна Наманганга қайтиб боради. 1672 йили ўз шогирди Пирмат Сеторий билан қашқарга жўнайди. У 7-8 йил қашқарнинг машҳур эшонларидан бўлмиш Офоқ Хўжанинг хизматини қилади. 1711 йили шеърларида руҳонийларни ҳажв қилгани учун Балх ҳокими Маҳмудхон томонидан осиб ўлдирилади. Машрабнинг қабри Афғонистоннинг Хонобод шаҳри жанубидаги Ишкашим қишлоғида жойлашган.

Машраб бизга бой мерос қолдирган. Унинг кўплаб ғазал ва рубойлари, муҳаммасу мусаддаслари халқ орасида машҳур.

Маълумки, Машраб тўғри сўз, қатъий фикрли, ҳеч нимани яширмасдан очик гапирадиган, адолат ва ҳақиқат учун курашувчи, эътиқоди мустаҳкам одам бўлган. У бутун умр ҳақиқат излади, лекин ҳақсизлик, адолатсизлик, жабр-зулм, зўравонлик каби иллатларга кўп бора дуч келди. У Яқин ва ўрта Шарқ мамалакатларида кенг тарқалган диний-тасаввуфий оқимга эътикод қилиб, жамиятдаги адолатсизликка қарши қатъий кураш олиб боришга ҳаракат қилди.

Машраб шеърларида илоҳий ишқ, яъни Худога муҳаббатини такрорланмас сатрларда баён қилди. Буни мажозий шаклда, яъни, капалакнинг шамга интилиши мисолида кўрсатиб беради. У пантеистик сўфийлардан Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Насимийларни шеърларида тилга олади, улар дунёқарашини ўрганиб, эътикод қилади. Тасаввуфнинг бу йирик вакиллари зоҳид ва шайхларнинг дин ҳамда шариатга тўғри келмайдиган лўттибозлиги, таъмагирлиги, ёлғончилиги, фирибгарлигини фош қилганликлари учун руҳонийлар томонидан умр бўйи таъқиб этадилар ва пиروвардида қатл қилиндилар.

Айниқса, Машрабнинг дунёқараши, турмуш тарзи, тақдири Мансур Халложникига ўхшаб кетади. Зеро, у асарларида ўзини Мансур Халложга ўхшатади, унинг эътиқодига, ғоясига қўшилади. Маълумки, Мансур Халлож (858-922) тасаввуфнинг машҳур намоёндаси бўлиб, «Ана-л-ҳақ – мен ҳақман, мен Худоман», деган машҳур гапи учун қатл қилинган эди. Мансур Халлож инсонни илоҳийлаштиради, уни зиндонга ташлашса ҳам, ўз эътиқодидан қайтмайди. Худога бўлган муҳаббатни, мусулмончиликнинг баъзи қоидаларини инкор қилгани, ўзини Худо билан тенглаштиргани ва бошқа «гуноҳлари» учун уни айблашади. Мансур Халложнинг дунёқараши, илоҳий эътиқоди Машрабга кучли таъсир кўрсатади.

Машраб ўзининг ғазал ва рубойларида илоҳий ишқини, Худога муҳаббатини жуда жозибали тасвирлайди, лекин айтиш керакки, бир вақтда реал дунёнинг ишлари, ғам-ташвишлари, инсоний фазилатларига эга бўлиш, халқнинг аҳволини яхшилаш муаммоларини ҳам унутмайди. Гарчи Машраб тасаввуфнинг қаландарлик тариқатини танлаган бўлса-да, ундан ахлоқий покликка етишиш, ҳаётдаги салбий иллатларга қарши курашиш учун фойдаланади. Унингча, инсон мақсад ва муродга етишиш, фиску-фасод ва ёмонликдан, жабру ситамлардан қочиш учун қаландар бўлиши керак. У адолатсизлик, жабр-зулм, зўравонлик ва ўзбошимчаликка, фирибгарлик ва мунофиқликка, хуллас, разиллик ва ёмонликка қарши курашиш учун қаландарлик йўлини танлайди ва ҳақиқатга эришишда ундан фойдаланмоқчи бўлади.

Машраб охират, жаннат ва дўзах тўғрисида мулоҳаза юритар экан, ишқ-муҳаббат, ёр билан висолни улардан афзал кўради. Муҳаббат ердаги ҳаётни ҳам, охиратни ҳам куйдиришга қодир, ишқ ўти дўзах ўтидан кучлироқдир.

У дин йўлидан чиқиб кетган, шариат қонунларига риоя қилмай, риёкорлик, муттаҳамлик, фирибгарлик, бузуқчилик билан шуғулланаётган

дин вакиллари ни фош қилиб, уларни тўғри йўлга солмоқчи бўлади. Шоирнинг замондоши Исҳоқ Боғистоний «Таскира-й қаландарон» рисоласида Машрабнинг дин ва унинг вакиллари га муносабатини жуда яхши тасвирлаб берган. Боғистонийнинг хабар беришига қараганда, Балх ҳокими Маҳмудхон Машрабга шундай дейди: «..Ё қаландарий мажзуб, ширин ашъорингиз гўшимизга етушдики, ани мутолаасидан бисёр лаззат топдик. Аммо баъзи уламою фузало ва аркони давлат тавсифинда ҳам бир кўп намоён сўз демушсизки, бу корингиздан андак озудда қотур бўлдик. Аҳли мажлис қотунда бу носазо сўзларингиз борасинда тавба-тазарруъ қилсангиз бизни бисёр хушнуд қилурдингиз». Машраб шундай жавоб қилибди: «Оре росдурким, мўмин-мусулмон бандаларни эрмас, балки ришвахўр қозиларни, окни қора қилгувчи муфтиларни, икки тиллик уламоларни, шайдойи муллоларни ҳажв тили бирла тавсиф этмушдим. Неки битдим, ҳақ турур. Узр айтмоқлик факрға одат эрмас, иззат-икром учун бағоят бурчдурмен, шаксиз, ҳазратлариға бўлғон бурчимни узурмен». Шундан сўнг Машраб саройдан чиқиб кетиб, Маҳмудхон ва унинг вазири Бузрукхўжа тўғрисида ҳажвий шеър ёзиб бозор ва гузарларда ўқиб юради.

Машрабнинг юқоридаги жавобидан сўнг шу нарса маълум бўлдики, у такводор мўмин мусулмонларни, ислом дини ва шариат қонун-қоидаларидан четга чиқмаган руҳонийларни танқид қилмаган. Машраб шайхлар, зоҳидлар, қозилар, воизларнинг ярамас қилиқларини, риёкорлигини очиқ ташлаган.

Машрабнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари эътиборга сазовордир. У ўзи яшаган даврда ҳокимлардан адолатли тадбир-чораларни кутади. ҳатто, уларга мурожаат қилиб, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг арз-додига қулоқ солишни сўрайди:

Адолатлик амрим, балки, ҳаққоним, деб арз қилдим.
Кўнгул шаҳрига тушган, шоҳу султоним, деб арз қилдим,
Сўрар аҳволи зоримни, Сулаймоним, деб арз қилдим,
Вужудим кишвариға мамлакатдоним деб арз қилдим,
Йироқдин арз қилдим, гўштини қар қилдию кетди.

Машраб қаландарлик сулукига риоя қилиш ахлоқий покликка эришишнинг муҳим воситасидир, деб ҳисоблайди. Инсон ўз нафсини тийиши, оз нарсаларга қаноат қилиши лозим. Бундай одам бойликка интилмаслиги, ўз ҳалол меҳнати эвазига кун кечириши лозим. Машраб бировларнинг берган хайр-эҳсонини олмасликка ундаб, сенинг олдингга «тиллой Аҳмар» тўкса ҳам олма, «амирнинг қандидан гадонинг ёвғон оши яхшироқдир», дейди. Унингча, бойларнинг берган ошу нони ҳеч қачон беминнат ва сидқидилдан бўлмайди:

қадинг бирла баробар халқ агар зар тўкса ҳам олма,
қошингга чош этиб, зировор-шақар тўкса ҳам олма.
Сани иззат қилиб тиллои аҳмар тўкса ҳам олма,
Амирнинг қандидин авло гадонинг оши явғони.

Машраб кишиларнинг саҳийликка чақиради, бойликка хирс қўймасдан, ўзгаларга яхшилик қилишга даъват этади. У инсон ва унинг тарбияси ҳақида

сўз юритар экан, киши ёшлигидан тўғри йўлдан бориши, ўзига муносиб йўлни танлаши лозимлигини уқтиради.

Машраб хулқ-одоб масалаларига катта эътибор бериб, одамларни ярамас хатти-ҳаракатлар, ёмон қилиқлардан, хусусан, такаббурликдан, ёлғон сўзлашдан сақланишга ундайди. Унинг айтишига қараганда, киши ҳеч қачон ўзининг келиб чиқиши, насл-насабига ишониб мағрурланмаслиги, вақтини беҳуда ўтказмаслиги, иймонини сотмаслиги лозим. У сайид бўладими, хўжа бўладими, камтарликни қўлдан бермаслиги, беадаб бўлмаслиги, яхши билан ёмонни ажрата билиши, ширинсухан бўлиши даркор. Машраб шеърларида нокас, бахил, яхшилар сўзига кирмайдиган, бошқаларни назар-писанд қилмайдиган кимсаларни танқид остига олади, доимо ҳақиқат томон интилишга, олий ҳимматли бўлишга даъват қилади.